RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ислом КАРИМОВ: **Давлатнинг куч қудрати — аввало, демократик институтларнинг мустақил фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш, фуқаролар ва жамиятнинг барча сиёсий, ижтимоий салоҳиятини рўёбга чиқариш, тадбиркорлик ва иқтисодий ташаббуслар эркинлиги учун зарур имкониятларни ташкил этиб бериш қобилияти билан ўлчанади**

O'ZBEKISTON OVOZI

2000 ЙИЛ 29 АПРЕЛЬ, ШАНБА

№ 51 (25.601).

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN CHIQA BOSHLAGAN

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИНИ РАЗВЕДКА ҚИЛИШ ҲАМДА УЛАРНИ ҚАЗИБ ЧИҚАРИШГА БЕВОСИТА ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қидириш ва разведка қилиш ишлари самарадорлигини ошириш, углеводород хомашёсининг қидириб топиладиган заҳира ҳажмларини кўпайтириш ва республика иқтисодиётининг нефть-газ тармоғига бевосита хорижий сармояларни жалб этиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, Устюрт ва республиканинг нефть ва газга бой бошқа истиқболли минтақаларида қидирув ва разведка ишларини жадал олиб бориш, шу мақсадда бевосита хорижий сармояларни кенг қўламда жалб этиш Ўзбекистон Республикасининг нефть-газ тармоғини ривожлантиришда ғоят муҳим устувор йўналиш ҳисобланади.

2. Шу нарса белгилансинки, Устюрт минтақасида янги очилган нефть ва газ конлари мазкур конларда геология-қидирув ишларини амалга оширган хорижий компанияларга концессия асосида 25 йилга қадар муддатга ишлатишга (ишлатиш муддатини узайтириш ҳуқуқи билан) берилиши мумкин.

3. Нефть ва газ конларини қидириш ҳамда разведка қилиш ишларини олиб бориш учун жалб этиладиган хорижий компанияларга қўйидагиларни таъминлайдиган энг кўп қулайлик режими яратиб берилсин:

муайян ҳудудда қидирув ва разведка ишларини ўтказиб, кейинчалик мазкур ҳудудда аниқланган конлардан исталган бирини қўшма корхона барпо этиш йўли билан ёки концессия асосида ишлатишга бўлган танҳо ҳуқуқни;

мазкур ишларни ўтказишга шартномада кўрсатилган ҳудудларда саноат қимматига эга бўлган ресурслар топилмаган ҳолларда қидирув ва разведка ишларини давом эттириш учун янги ҳудуд берилишига устун ҳуқуқни;

қўшма корхонанинг таъсис ҳужжатларида ёки концессия шартномасида кўзда тутилган қазиб олинган углеводородларнинг бир қисмини, шунингдек уларни толлинг асосида қайта ишлаш маҳсулотларини мулкка эгалик ҳуқуқи ҳамда монесиз олиб чиқиб кетиш ҳуқуқини;

саноат қимматига эга бўлган конларни кейинчалик «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компаниясига ишлатиш учун топшириладиган ҳолларда ана шу конларни очиш чоғида қидирув ва разведка ишларига амалда сарфланган харажатларни қоплаш кафолатини.

4. Нефть ва газ конларини қидириш ва разведка қилиш ишларини амалга оширувчи хорижий компаниялар, шунингдек улар томонидан жалб этиладиган хорижий пудрат ва ёрдамчи пудрат ташкилотлари қуйидагиларни тўлашдан озод қилинсин:

геология-разведка ишларини ўтказиш даврида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи барча турдаги солиқлар, ажратмалар ва тўловларни;

қидириш, разведка қилиш ва бошқа тегишли ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган машина-ускуналарни, моддий-техника ресурслари ва хизматларни импорт қилиш чоғида божхона тўловларини (божхонада расмийлаштириладиган ишлар учун олинадиган йиғимлардан ташқари).

5. Белгилансинки, нефть ва газ конларини қидириш ва разведка қилиш ишларини олиб бораётган хорижий компанияларга материаллар етказиб бериш, ишлар ва хизматларни бажариш билан шуғулланувчи Ўзбекистон Республикасининг резидент корхоналари ва ташкилотлари қўшилган қиймат солиғини тўлашдан озод этиладилар.

6. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

хорижий компаниялар кўрсатилган ҳудудларда танҳо ҳуқуқ асосида олиб борадиган қидирув ва разведка ишларининг давом этиш умумий муддати 5 йилдан ошиши мумкин эмас;

геология-қидирув ишларини давом эттириш учун қизиқиш уйғотувчи майдонлар аниқланган ҳолларда хорижий компанияларга яна уч йилгача муддат билан ана шу майдонлар доирасида ишларни давом эттириш имконияти берилади;

хорижий компаниялар ер қаъридан мўлжалланган аниқ мақсадга мувофиқ фойдаланишни, геологик жиҳатдан ўрганиш тўла-тўкис бўлишини, ер қаъридан оқилона комплекс фойдаланиш ҳамда унинг муҳофаза этилишини таъминлайдилар.

7. Нефть ва газ конларини қидириш ва разведка қилиш ишларини амалга оширган хорижий компаниялар иштирокида ташкил этиладиган нефть ва газ қазиб чиқарувчи қўшма корхоналар қуйидагилардан озод қилинсин:

нефть ёки газ қазиб олинишидан бошлаб етти йил муддатга фойда солиғи тўлашдан. Ушбу муддат тугагандан сўнг мазкур қўшма корхоналарнинг фойдасидан олинадиган солиқ ставкаси амалдаги ставканинг 50 фоизи миқдорида белгиланади;

мулк солиғи ва хорижий қатнашчиларнинг қўшма корхоналардаги улуши иштирокидан олинадиган даромад солиғини тўлашдан;

қидирув ва разведка ишларига сарфланган маблағларни қоплаш даврида нефть ва газ қазиб чиқариш ҳамда қайта ишлаш борасидаги фаолият натижасида олинган маҳсулотни сотишдан тушган валюта тушумининг бир қисмини мажбурий сотишдан.

8. Вазирлар Маҳкамасига айрим ҳолларда қуйидагиларга рухсат берилсин:

Ўзбекистон Республикасида нефть ва газ конларини қидириш, разведка қилиш ҳамда қазиб чиқариш билан шуғулланувчи хорижий компанияларга қўшимча имтиёзлар ва преференциялар бериш;

танлов ва аукционларни ўтказмаган ҳолда вакил орган билан стратегик сармоядор ўртасида тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш асосида концессиялар бериш.

9. «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси зиммасига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нефть-газ фаолиятини (нефть ва газни қидириш, разведка қилиш, қазиб чиқаришни) тартибга солувчи вакил орган ҳамда нефть-газ тармоғида концессия муносабатини давлат йўли билан бошқариш вазифалари юкланиб, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан қуйидаги ҳуқуқ берилсин:

нефть-газ фаолиятини юритишга шартномалар тузиш, уларнинг амалга оширилишини ҳамда қонунчилик ва шартномаларда белгиланган фаолият шартларига риоя этилишини назорат қилиш;

углеводород конларини қидириш ва разведка қилиш, нефть ва газ қазиб чиқариш учун махсус рухсатномалар (лицензиялар) бериш.

10. «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компаниясига нефть ва газ конлари тўғрисидаги маълумотни, шу жумладан уларнинг қаерда жойлашгани, заҳиралари, қазиб чиқариш ҳажмлари, ишлатилаётган, капитал таъмирланаётган ва консервация қилинган қудуқларнинг сони ҳақидаги ахборотни махфийлик тўғрисидаги битимлар асосида халқаро консультантларга ва хорижий сармоядорларга топшириш ҳуқуқи берилсин.

11. «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси 2000-2005 йилларга мўлжалланган геология-разведка ишлари дастурини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

12. Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси Ўзбекистоннинг нефть-газ тармоғини ривожлантириш истиқболлари оммавий ахборот, шу жумладан хорижий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласинлар.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда ушбу Фармон ижроси юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 28 апрель

ЭЪТИРОФ

«ЎЗБЕКИСТОН БУЮК КЕЛАЖАК САРИ»

Мисрда нашр этиладиган «Ас-Сияса ад-давлия» журналининг апрель ойи сонида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг араб тилида нашр қилинган «Ўзбекистон буюк келажак сари» китобига тақриз чоп этилган.

Тақриз муаллифи Усома Фаруқ Мухаймир, мазкур китоб Ўзбекистон ҳукуматининг мустақилликдан кейин танлаган йўли, буюк келажак сари интилаётган республиканинг ички ва ташқи сиёсати асосий қоидалари ва демократик давлат тузишнинг ўзига хос тамойиллари билан танишиш учун жуда яхши манбадир, деб ёзади.

Тақризда айтилишича, китоб «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» ва «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» деб номланган икки қисмлардан иборат бўлиб, Ўзбекистоннинг мустақилликни мустаҳкамлаш, демократик, адолатли жамият барпо этиш ва сиёсий, маънавий ислоҳотларни изчил амалга ошириш асосида дунё ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллашини таъминлаш борасидаги масалалар батафсил таърифланган.

Хусусан, Ўзбекистоннинг халқаро алоқалари мустақил тенглик ва ўзаро манфаат, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, муаммоларни музокаралар орқали ҳал этиш асосида олиб борилиши тақризда алоҳида эътироф этилади.

Китобда Ўзбекистоннинг собиқ Совет Иттифоқидан мерос бўлиб қолган оғир иқтисодий вазиятдан оғриқсиз чиқа олгани, режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиши жараёни, халқаро бозорга кириб бориши муаммолари ва иқтисодий муаммоларни ечиши, стратегик режалари, миллий экспорт салоҳиятини ошириш имкониятларининг кўрсатилиши Усома Фаруқ Мухаймир томонидан юқори баҳоланади. Шу жумладан, унинг таъкидлашича, Президент И. А. Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекитон ҳукумати Шарқий Европа давлатлари танлаган «шок терапияси»ни қўлламасдан иқтисодни кўтаришнинг янги стратегиясини ишлаб чиққан.

Шунингдек, китобда хорижий сармояларни жалб этиш, йирик қўшма корхонаар тузиш, ер ости бойликлари юзасидан берилган шарҳлар чет эллик ишбилармонларнинг республиканинг иқтисодий салоҳиятига бўлган қизиқишини янада орттиради, деб ёзади тақриз муаллифи Усома Фаруқ Мухаймир.

■ **Н. АБДУЛЛАЕВ,**
«Жаҳон» АА

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

НОРОЗИЛИК НАМОЙИШЛАРИ

Гватемала ҳукумати мамлакатда транспорт нархи оширилгани сабабли бошланган норозилик намойишларини тўхатишнинг уддасидан чиқа олмаяпти. Хабарларга қараганда, намойишлар нафақат мамлакат пойтахтида, балки бошқа туманларда ҳам кучаймоқда. Полициячиларнинг чиқишларни бостириш учун кўздан ёш оқизувчи газ қўллаши ҳам намойишчиларни ҳовуридан тушира олмаяпти.

ЎҚҚА ТУТИЛДИ

Сербиялик таниқли ишбилармон Зоран Ускокович Белград кўчаларининг бирида отиб кетилди. У ўзининг «Ауди» автомобилида кетаётганда номаълум кимсалар томонидан ўққа тутилди. Ускокович Серб кўнгиллилари гвардияси бошлиғи Желько Ражнатовичнинг ўлдирилишини уюштиришда гумон қилинаётган эди.

ТЕРРОРЧИНИНГ ОДАМЛАРИ

Сидней Олимпиадаси хавфсизлигини таъминлаш хизмати вакиллари халқаро террорчи Усама бин Лодин бўлажак мусобақаларнинг тинч ўтишига раҳна солади, деб ҳисоблашини билдирди. Маълум бўлишича, Усама бин Лоднинг бир неча одамлари аллақачон Австралияга келиб ўрнашган.

МУЗОКАРАЛАР БОШЛАНДИ-Ю...

Зимбабведа оқ танли фуқароларга нисбатан уюштирилаётган зўравонликлар Буюк Британия билан Зимбабве ўртасидаги муносабатларга раҳна солди. Шу сабабли Зимбабве Президенти Роберт Мугабе ташаббуси билан икки давлат ўртасидаги муносабатларни яхшилаш борасида музокаралар бошланган эди. Бироқ айни пайтга келиб икки давлат делегациялари ўртасидаги бу музокаралар боши берк кўчага кириб қолди. Хабарларга қараганда, томонлар Зимбабведа ер ислоҳоти ўтказишда Буюк Британия ҳукумати ажратишни мўлжаллаётган молиявий ёрдам шартлари бўйича бир тўхтамга кела олмаган.

(ЎзА)

ИНСОН ҲАЁТИ САҚЛАНДИ

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясига қарашли самолёт Тошкент — Киев — Нью-Йорк йўналиши бўйича парвоз этаётганди. Ҳаво кемасида кетаётган йўловчилардан бири — Александр Беляевнинг бирдан мазаси қочиб, ҳушидан кетди. Борт кузатувчилари бошлиғи Елена Гушча бу ҳақда экипажга маълум қилди ва шошилинч чоралар кўришга киришди. Йўловчилар орасидаги фельдшер аёл ҳам ёрдамга келди. Ҳар қанча уринишларга қарамай, йўловчининг ҳарорати пасайиб ахволи тобора оғирлашиб борарди. Шунда бемор ҳаётини сақлаб қолиш учун кема учувчилари Сергей Тян ва Михаил Городников Канаданинг Гандер аэропортига қўнишга қарор қилди. Зудлик билан бу ерда малакали тиббий ёрдам кўрсатилди. Канадалик шифокорлар, агар самолёт узоғи билан ярим соат ичида қўниб, тиббий ёрдам кўрсатилмаганида, йўловчининг ҳаётдан кўз юмиши мумкинлигини таъкидладилар. Самолёт орадан кўп ўтмай яна — Нью-Йорк сари парвозга кўтарилди. Гарчи бунда қўшимча харажат ва манзилга бироз кечикиш бўлса-да, энг муҳими бир инсоннинг ҳаёти сақланиб қолинди.

■ **Алишер РЎЗИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ПРОФЕССОРНИНГ КУТУБХОНАСИ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, педагогика фанлари доктори, профессор Жўра Икромов пойтахтимизнинг Юнусобод тумани 12-даҳасида янги кутубхона ташкил этди. Унда олимнинг салкам 40 йилда тўплаган китоблари жамланган.

Ёшлар, олимнинг шогирдлари ихтиёрида бўладиган бу жавонхонада мингдан ортиқ китоблар, кўплаб диссертациялар, авторефератлар, турли журналлар мавжуд.

Яқинда ана шу кутубхонанинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Йиғилишда сўзга чиққан республика халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев домланинг ташаббусини барча зиёлиларимиз учун ибрат, деб баҳолади. Навоий номидаги республика Давлат кутубхонаси директори Абдусалом Умаров янги очилган масканни бош кутубхона ўз оталиғига олажагини билдирди.

■ **Абдуғани СОДИҚОВ**

Мамлакатимиз пойтахтининг бизнес мажмуаси — **Рустам ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат**

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ПРОКУРОР АГАР ҚАСД ҚИЛСА...»

«Ўзбекистон овози»нинг 2000 йил 11 март сонида «Прокурор агар қасд қилса...» (адолат топталади, ишонч эса сўнади) сарлавҳали мақола чоп этилган.

Ушбу мақолада кўрсатилган ҳолатлар юзасидан республика прокуратураси томонидан текшириш ўтказилди.

Аниқланишича, мухбир Юнус Узоқов томонидан мақолани тайёрлаш ва ҳақиқий ҳолатга баҳо беришда юқори турувчи прокуратура идораларининг тегишли тармоқлари раҳбарларидан фикр олинмаган. Шу боис, прокуратура идоралари ходимларининг фаолияти билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан мақола тайёрлашда юқори турувчи прокуратуранинг тегишли тармоқ раҳбарларидан фикр олиш амалиётини йўлга қўйишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Текширишда Китоб туманлараро прокурори Х. Бекмуродов томонидан иш фаолияти давомида жиддий камчиликларга йўл қўйилганлиги ва хизмат вазифаси лозим даражада бажарилмаганлиги аниқланиб, у Бош прокурорнинг буйруғи билан эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди.

■ **Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг биринчи ўринбосари**
А. ЭРГАШЕВ

«ТАЪМАГИРНИНГ КЎНГЛИ КИР»

«Ўзбекистон овози»нинг шу йил 15 январь сонида чоп этилган «Таъмагирнинг кўнгли кир» мақоласида Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги корхоналарни рўйхатга олиш бўлимида етакчи мутахассис лавозимида ишлаган З. К. Мухамеджанов хусусий тадбиркорлик гувоҳномасини тез тайёрлаб бергани учун фуқаро Қодиров С. дан 3000 сўмни пора сифатида олаётганида қўлга тушгани ёзилган. Юқорида қайд этилган жиноий ҳаракатлари учун Мухамеджонов З. К. га ахлоқ тузатиш ишлари билан боғлиқ бўлган жазо тайинланган.

Ушбу жиноят иши юзасидан чиқарилган ажримни туман ҳокимлигининг барча тегишли бўлимлари иштирокида муҳокама этилиб, фуқароларнинг қонунни билмаслигидан фойдаланиб, ўз мансабини суиистеъмол қилиб, таъмагирлик билан шуғулланишнинг оқибати юқоридагидек жиноий жавобгарликка олиб бориши уқтирилди.

Иш фаолияти фуқаролар билан боғлиқ бўлган барча бўлимлар керакли ҳужжатлар ва қонунда белгиланган ижро муддатларини яққол кўринадиган жойларга осиб қўйди ва қонунда белгиланмаган ҳужжатларни талаб этиш умуман ман этилди.

Тошкент шаҳар корхона ва тадбиркор шахсларни рўйхатга олиш бошқармасидан туман бўлимларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида замонавий компьютер билан жиҳозлаш ва қўшимча бир штат бирлиги киритиш таклифи сўралди.

■ **Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ҳокими биринчи ўринбосари Х. СОДИҚОВ**

ФМТ-1

«ОБУНАЛОТО»

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Нашр индекси

Обуна сони

2000 учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси. исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

«ОБУНАЛОТО»

п.в Жойи

Нашрга етказиш варақаси

Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

2000 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

ФИТРАТ: ЮРТИМ, ТУРОНИМ, СЕНДАН АЙРИЛМОҚ – МЕНИНГ ЎЛИМИМ, СЕНИНГ УЧУН ЎЛМОҚ – МЕНИНГ ТИРИКЛИГИМДУР!

Ватан шундай қудратки, ерни осмон, осмонни ер қилади. Фарзанд қонида Ватан оқса, Фитрат айтганидек фидойилик тирикликдир!

Инсон исми-жисмига мос вояга етади, камол топади. Фитрат — туғма табиат, яратилиш маъноларини англатади. 1886 йилда ёруғ дунёга келган чақалоқ ўзининг Ватан учун яратилаётганини билганмикан?

Фитрат илк таҳсилни эски мактабда, кейинчалик «Мир Араб» мадрасасида олди. 1909-1913 йилларда Истанбулда ўқиган Фитрат Озодликнинг ҳавосидан нафас олди. Озодлик шабадаси унинг бағрига нур бўлиб кирди. Олисдаги чоризм тиғи остида эзилган Она халқини эслаб эзилди. Қадим маданиятнинг, маънавиятнинг бешиги бўлган икки дарё орасини Озод, Мустақил кўришни, Ҳурриятни эса осонликча олиб бўлмаслигини, шонли кураш, фидойилик кераклигини англади. «Фитрат 18 ёшларгача Бухорода таҳсил кўриб, Шарқда Туркия, Ҳиндистон, Арабистон каби ерларда, марказий Руссиянинг Масков, Петербург каби шаҳарларида саёҳат этгандир», — дейди Б. А. Пестовский. Фитрат узоқ ўлкаларда шунчаки саёҳат қилмади, балки Ватан озодлиги йўлида курашишни ўрганди. У сиёсат билан шуғуллана бошлади.

Озодликка маънан уйғоқ халқ эришади. Фитрат жаннатмакон заминда ҳалол меҳнати билан тутқунликда яшаётган халқнинг онгини чархлаш, Истиқлол ғояларини сингдириш йўлини танлади. «Сайёҳ ҳинди» асарида бир зиёли шахс томонидан фикр юритади: Бухоронинг алачаси Европа газмолидан бежирим ва пишиқ бўлса-да, бозори чаққон эмаслигини, сабаби фабрика, ускуналарнинг йўқлиги, шу сабаб харидор талабига қараб фасонни ўзгартириб бўлмаслигини айтади. Айниқса, сайёҳ Шаҳрисабз қозисига: «Тақсир, мамлакатлари нега Сабаби нима? Қарши ё Китобнинг бирор алача тўқувчиси Фарангистонда яшаса, бошдан оёқ зарга ботарди. Бу бечораларнинг ейишга нони йўқ-ку! Агар Шаҳрисабз ерлари Японияда бўлганда, зар экиб, зар ундирарди. Бу ерлар нега шўразор?», — дейди. Мазкур жумлаларни ўқиган ўқувчи Ватан ҳақида, мустамлака ва Озодлик ҳақида бир лаҳза бўлсада хаёлга толади. Ён-атрофига, ўзлигига разм солади.

ХХ аср бошлари Ўрта Осиёни ҳам мудроқ уйқусидан уйғотди. Жадидлар — янги тузум тарафдорлари онгдаги зангни ювди, бир қур тиниқлашди онг. Лекин янги тузумга эришиш учун, учга бўлинган мамлакатни ягона туғ остига бирлаштириш масаласида кимга суяниш муаммоси пайдо бўлди. Фитратнинг Ватан мустақиллиги ҳақида битилган шеърлари туркумидан иборат «Сайҳа» китоби ҳақида Файзулла Хўжаев: «Сайҳа»ни ўқиган кишиларни Бухоро ҳукуматигина эмас бошқалар ҳам таъқиб қила бошлади. Бу шеърларда Ватан мустақиллиги ғояси биринчи марта жуда ёрқин ифодалаб берилди», — деб ёзганди.

Фитрат кенг қамровда фикрлай оладиган, дунёни теран англайдиган ўқимишли зиёли эди. Чўлпон: «У вақтларда (1914 йиллар) биз ҳамма ўзбек ёзувчилари Фитрат таъсирида эдик», — дейди. Фитрат сиёсат уммонида қулоч отаркан, Бухоро инқилобининг ғоявий раҳбарларидан, Бухоро Халқ Жумҳуриятининг муассисларидан бирига айланди. Озодлик ғояларини халқ орасига ёйиш учун газета ва журналлар чиқа бошлади Бухорода. «Турон» газетасида: «Бухоро мактабларининг ислоҳи учун Кавказ, Татаристон ва Истанбулнинг ўрта мактабларини тамом қилган бухорий керакдур. Бухоро мадрасасининг тараққийси учун Ҳижоз, Миср мадрасаи диниялариде хатм қилғон кишилар керакдур. Бухорода тижорат, зироат ва саноатни тараққий қилдириш учун Руссиянинг ўрта ва олий мактабларинда хатми улуми замония этган муҳандиси, муқтадирлар керакдур», каби ҳур фикрли мақолалар эълон қилинди.

1917 йил февраль инқилобидан сўнг Бухорода Ёш бухороликлар инқилобий партияси ташкил топди. Фитрат саркотиб этиб сайланди. Россиядаги воқеаларнинг ўта тезкорлик билан ривожланиб бориши, подшоликнинг барҳам топиши, октябрь инқилоби Ёш бухороликларни саросимага солиб қўйди. «Янги бир бало бош кўтарди — болшавик балоси», дейди Фитрат. Бу балонинг оқибатларини англаб етган адиб Ватан ўғлонларига қарата: «Эй, улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Сенга не бўлди? Дунёни урҳолар билан титратган йўлбарс юракли болаларинг қани? Нечун товушлари чиқмайдур? Нечун чекиндилар? Нечун кетдилар? Кураш майдонларини ўзгаларга нечун қўйдилар?», — дея хитоб қилади.

Ватан — яйдоқ дала, елкасида қамчилар изи, бир ҳовуч сув истаб кўкка илтижоли боқади. Адибнинг кўксидан эса: «Устимга илонлар эмас, шайтонлар қўшини келса, оёғимга занжирлар эмас, жаҳаннам илонлари сорилса, яна сен сари чопаман Ватан! Дунёнинг бутун балолари бошимга тўкилса, зулм чўлининг темир тиконлари кўзларимга кирса, яна сени қутқараман! Мен сенинг учун тирилдим, сенинг учун яшарман, сенинг учун ўларман! Ўлим сенинг ўлимингни истаганларга, нафрат сени кўмганларга!» ҳайқириғи отилиб чиқади.

Шўролар тузумининг бемаъни ҳаракатлари улкан заминни жаҳаннамга айлантирди. Янги ҳукумат тузиш учун амирликни ағдариш лозим эди. Туркистон Халқ Комиссарлари совети раиси Ф. И. Колесов 1918 йилда Ашхабодга кета туриб Когонга тўхтаб ўтади. Ёш бухороликлар ва большевиклар биргаликда Колесовдан ёрдам сўрайди. Розилик олингач, қўзғолон режалари муҳокама қилинади. 7 кишидан иборат инқилобий қўмита тузилади. Раис Ф. Хўжаев, аъзолари қаторида Фитрат ҳам бор эди. «Қўқон воқеаси» — мухториятнинг озодлик байроғи остида қонга ботирилиши. Одамларнинг қурбон бўлиши бухороликларни бир қур саросимага туширган бўлса-да, қўзғолонга қаттиқ тайёргарлик кетарди. Аммо Ёш бухороликлар қолиб қўзғолонни қизил армия амалга оширди. Одамлар қўлига илинган нарсани олиб Бухорояи ҳимоя қилишга чиқади. Шу тариқ халқнинг норозилик намойиши шўро ҳукумати айби билан босқинчилик ҳаракатига айланди. Фитратга бу ҳолат таъсир қилди. У бутунлай сиёсат майдонидан кетиб, илм билан, янги асарлар ёзиш билан шуғулланади. Ф. Хўжаев: «Фитрат партия билан алоқасини расмий равишда узмаган бўлса-да, маданий-оқартув ишларига берилиб кетди — дейди.

Фитратнинг Ватан учун қилган хизматларидан яна бири «Чиғатой гурунги»ни ташкил қилганидир. Гурунгнинг асосий вазифаси Ватан тарихини, маънавий меросини эл орасида ёйиш, ўзликни англаш йўлида ҳаракат қилиш, айниқса, тилимизни, имломизни чет сўзлардан тозалаш ишлари билан шуғулланиш эди.

Умуман Осиё ва Шарқ халқлари ижодиётида воқеаларга баҳо берилар экан, жой номлари ўзгартирилган ҳолатда тасвирлаш ХХ асрнинг бошларига келиб кучайди. Шу маънода Фитратнинг «Чин севиш», «Ҳинд ихтилочилари» асарларидаги воқеалар Ҳиндистонда кечган бўлса-да, Туркистоннинг ижтимоий аҳволи, халқ қўзғолонлари тасвирнинг асосини ташкил этди.

«Чин севиш» асари қаҳрамонларидан бири Каримбахш: «Оврўпо ишларини ўрганмоқ албатта керакдир. Оврўпода ўқимоқ инсофли, адолатли деб мақтамоқ учун эмас, улардан ўзимизни сақламоқ, тишли, тирноқли бўлиш учун керакдир», — дейди.

Фитрат ўз ҳаётини, ижодини Ватан Озодлиги йўлида фидо қилди. Унинг 92 томирида Ватан оқди. Юрагининг ҳар бир зарбида Ватан жаранглади. У истаган Озодликка мамлакатимиз эришди.

■ **Юсуф ЖЎРАЕВ**

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АХБОРОТНОМАСИ» ЯНГИ СОНИ НАШРДАН ЧИҚДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий нашри — «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Ахборотномаси» бу йилги биринчи сони нашрдан чиқди. Унда 1999-2000 йилларда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари сайлови билан боғлиқ расмий материаллар ёритилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёнини нафақат мамлакатимиз халқи, балки, бутун жаҳон аҳли катта қизиқиш ва эътибор билан кузаттани маълум. Буни хорижий оммавий ахборот воситаларида ёритилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳақидаги хабар ва мақолалардан ҳам билса бўлади. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жаҳон нигоҳида» сарлавҳали мақолада жаҳон оммавий ахборот воситаларида шу мавзуда ёритилган хабарлар билан танишиб, мамлакатимизда ўтказилган Президент сайловига ташриф буюрган халқаро кузатувчилар ва бошқа нуфузли меҳмонларнинг фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига ўтказилган сайлов натижалари ҳақидаги Марказий сайлов комиссияси раиси Нажмиддин Комиловнинг таҳлилий мақоласи ҳам «Ахборотнома»нинг ушбу сонидан ўрин олган.

Шунингдек, «Ахборотнома»да Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари тўғрисидаги маълумотлар ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг бошқа хабарлари ёритилган.

МУЛКДОРЛАР САФИ КЕНГАЙСА

Республикамизда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Шу ишларнинг замирида жамиятнинг илғор мулкдорлар синфини шакллантириш, ишбилармон тадбиркорларга кенг йўл очиб беришдек улуғ ниятлар намоён.

Бу борада Самарқанд кўчмас мулк биржаси вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вилоят ҳудудий бошқармаси билан ҳамкорликда мулк бозорини ривожлантиришга ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Йилнинг биринчи чорагида кўчмас мулк биржаси томонидан 35 маротаба савдолар ўтказилиб, шундан 11 таси кимошди ва 24 таси эса биржа савдоларидир.

Сотилган мулкларнинг кўпчилигини Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳамда «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» компанияси тармоғига кирувчи иншоотлар ташкил этади, яъни 23 та иншоот 2820,8 минг сўмга сотилганлиги келгусида соҳа ривожига бу ҳам ўзига хос кўмак бўлишига умид боғланмоқда.

Айтиш жоизки, биржа ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 11 декабрдаги «Корхоналар банкротлиги тўғрисида»ги Фармони ижроси бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, биринчи чорак давомида банкрот деб эълон қилинган 9 та корхонанинг мулки кимошди ва биржа савдоларига қўйилиб, шулардан 6 та корхонанинг 17 та иншооти 48481 минг сўмга сотилди. Ёки хўжалик суди қарорларига асосан суд ижрочилари томонидан хатланиб рўйхатга олинган мулклардан 6 таси 2570 минг сўмга кимошди савдосида сотилди. Шунингдек, солиқларни ўз вақтида тўламаган 16 та корхонанинг 49 та объекти хўжалик суди қарорига асосан давлат солиқ инспекцияси томонидан кимошди ва биржа савдоларига қўйилиб, шулардан 15 та объект 9505,0 минг сўмга сотилган.

— Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш иншоотларининг ортиб бориши улар ўртасида рақобат кучайишига олиб келади, — дейди, биржа директори Абдураҳмон Аҳмедов. — Бу эса халқимиз турмуш тарзига ижобий самара кўрсатади. Шуни ҳисобга олиб ушбу тармоқ иншоотларини қуриш учун 3 та ер майдони 6,8 минг сўмга кимошди савдоларида сотилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Қисқа қилиб айтганда Самарқанд кўчмас мулк биржасининг қўлга киритган муваффақиятлари шу нарсада алоҳида кўзга ташланадики, улар ҳар бир туман, шаҳар, маҳаллаларда ўз агентликларини ташкил этиб, улар орқали кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга, тадбиркору ишбилармонларга, деҳқон фермер хўжаликларига яқиндан ёрдам кўрсатмоқда. Масалан, кўчмас мулк биржаси биринчи чоракда жами 265 та давлат объектини 47447,4 минг сўмга, 104 та нодавлат объектини 84601,6 минг сўмга сотиб вилоят бюджетини бойитишга катта ҳисса қўшдилар. Республикамизда мулкчилик бозорини янада ривожлантириш тадбиркор ва ишбилармонликка ҳамда бозор муносабатлари тамойилларининг истиқболи йўлидаги ҳаракатлар биржа ходимлари олиб бораётган ишларда яқол намоёндир.

■ **Ўткир ПЎЛАТОВ**

ХДП ХАБАРИ

ТАЛАБЧАНЛИК РУҲИДА

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар партия ташкилотларида республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг Олий Мажлис иккинчи сессиясида сўзлаган нутқидан ва Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши пленуми қарорларидан келиб чиқадиган навбатдаги вазифаларни белгилаб олиш мақсадида пленумлар бўлиб ўтмоқда.

Шаҳарнинг Мирзо Улуғбек, Бектемир, Юнусобод, Шайхонтоҳур, А. Икромов, Чилонзор ва Яккасарой туман партия кенгашларида бўлиб ўтган пленумларда партия ташкилотлари томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликлар рўйрост кўрсатиб ўтилди ва навбатдаги вазифалар белгилаб олинди.

■ **А. ЁРМАТОВ,**
Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши мафкуравий ишлар бўлими мудири

Охунбобоев туманининг «Намуна» ширкат хўжалиги пахтакорлари бу йил мавжуд 955 гектар майдонга пахтанинг С 65-24 навини экишган.

Ҳозирда хўжаликнинг 20 та бригадаси пахта майдонларида ғўзалар бир текисда униб чиқиб, чинбарг чиқара бошлади. Хўжалик меҳнаткашлари жорий йилда пахтадан юқори ҳосил олишни режалаштирганлар.

Хўжаликнинг Миродил Холматов бошлиқ 5-бригадаси аъзолари ҳам ҳар йили пахтачилик соҳасида юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Бригада туман бўйича ерга чигит қадашни биринчилардан бўлиб бошлаган эди. Шу боис униб чиққан ғўзаларга ишлов бериш ҳам биринчи бўлиб бошланди. Бригада аъзоларининг жорий йилдаги режаси 28 гектар майдонга экилган пахтадан 32 центнердан, 16 гектар майдонга экилган буғдойдан 48,3 центнердан ҳосил олишдир.

Суратларда: ***— Миродил Холматов бошлиқ 5-бригадада ғўза қаторларига ишлов берилмоқда.***

Бригада механизатори Раҳмонали Сотволдиев.

■ **Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар**

МИЛЛАТ ВА МАСЪУЛИЯТ

АЁЛНИНГ БАХТИ – ДУНЁНИНГ БАХТИ

Мақсад на эди жаҳона келдинг,
Кайфиятинг баён этиб кет...
НОДИРА.

Усан бобо Очилов Чироқчининг «Додик» қишлоғидан. Саксон беш ёш билан юзлашиб турса-да, қомати тик, ўсиқ қошлари остидан кўзлари ўткир боқади, уруш кўрган, қон кечган.

— Эй, ўғлим, нимасини айтай, — уф тортади Усан бобо. — Шукр, умрдан бор экан, ўққа учмай келдим, тўққиз фарзандни ўстирдим, ўзимни аямай ишладим. Пахтага боғлаб раис ўғлим Қўчқорни қамаб қўйишди десанг. Келин қазо қилди, қирқ кунлик чақалоғи бешикда қолди. Урушда ажалинг етса ўласан, ўғлимнинг вайрон рўзғорига қараб, ҳар куни бир ўлардим. Эҳ, кимларга бош эгиб бормадим... Охири, ё нажот деб, вилоятимиз раҳбари Ислом Каримовга ёздим. Аммо-лекин додим етишига ишонмаганман. Куйган бир менми, деб ўйлардим-да. Йўқ, янги раҳбаримиз бошқаларга ўхшамас экан. Бир ҳуқуқшунос аёлни юборибди. Аёл эмасми, аҳволимизни билди, бешикдаги чақалоқни кўрди. Барака топсин, аҳволимизни раҳбаримизга етказибди. Тез орада ўғлим қамоқдан чиқиб келди. Ўша аёл яна келиб, хабар олди. Бешикда қолган Шарофат набирам ҳозир ўн учга кирди. Ислом Каримовни дуо қиламан. Тахти-бахти билан бўлсин, дейман.

— Бобожон ўша аёл ким эди?

— Кейин кўрмадим-ов. Чироқчига прокурор бўғанмиш дейишади, шумикан...

Инсон умид билан тирик. Аммо халқимиз бошида қатағон қиличи кўтарилган йилларда умид ҳам сўнган эди. Ўшанда мен вилоят рўзномасида ишлардим. Вилоят адлия бошқармасининг бошлиғи Дилбар Муродова эди чоғи. Аёллардан чиққан биринчи прокурор ҳам шу киши. Излаб бордим. Суҳбат асносида умр аччиқ-чучугини хўп татиган истеъдодли аёлни кашф этдим.

— Ўтган кунлар ҳақида, касбим билан боғлиқ ишлар ҳақида сўраяпсиз, — дейди Дилбар опа хаёлчанлик билан. — Битта-иккита воқеани айтиб берсам, ҳамма нарса кўз ўнгингизда гавдаланадимми? Албатта йўқ! Давр ўта мураккаб эди. Қонун ёвуз сиёсатга бўйсундирилган эди. Москвалик терговчилар қанчадан-қанча кишиларни қамашди, мол-мулкини мусодара қилишди. Мен ҳуқуқшуносман, гуноҳкорлар борлигини тушунаман. Бироқ ноҳақ жабр кўрганлар кўп эди. Қани энди айтинг-чи, ким шундай зулмга қарши бош кўтара оларди? Ҳа, ўшанда вилоят раҳбари Ислом Абдуғаниевичнинг мазлумлар томонида туриб курашганларини буюк жасорат ва улуғ инсоннинг ўз халқига фидойилиги, деб айта оламан. Негаки, мен адлия бошқармаси бошлиғи эдим, раҳбаримиз кўпгина шикоятларни ўрганишни менга шахсан топширар эдилар. У кишининг аралашуви билан Шодиев, Турсунов, Усанов каби кўплаб раҳбарлар, юзлаб ноҳақ ҳибсга олинганлар озодликка чиқди. Газетангизда «Яша ва ёдингда тут» деб ёздингизлар, телевизорда кўрсатишди. Мен аёлман, оила бошлиғи қамалган ўша аёлларнинг додини яхшироқ тушунаман. Юзлаб, минглаб оилаларда юртбошимиз оқликка чиқарган одамлар миннатдор эканлар, буни тарихий воқеа сифатида ёдда тутмоқ лозим!

Қонун математика сабоғи эмас, ҳисоби тайёр турса. Адашишлар бўлиши мумкин. Аммо сиёсат қонунни тиғбарон қилсачи? Ахир мен ҳам ўша тузум даврида улғайдим, камолга етдим... Шифокорликни танлагандим, тақдир шамоллари ўзга манзилларга учириб кетди...

У ўн фарзандли оилада камол топди. Отаси Тўхтамиш бобо ҳозир саксонда. Уруш кўрган, ўн уч бор шифокорлар тиғига дучор бўлган, одамларга ҳам, оиласига ҳам ўта талабчан эди, болаларни эркалатиб ўстиришни хуш кўрмасди. Масъул вазифаларда ишлаган бу кишининг ўзига хос феъл-атвори, яратган боғлари эл оғзида. Урилмай-сурилмай нафақага чиқди, ҳозир ҳам эл назарида.

— Мактабни медаль билан битирдим. Дилором опам сингари шифокор бўлмоқчи эдим, — хотирларни саралайди Дилбар опа. — Биринчи йил омадим келмади. Иккинчи йил бор-эй дедиму Тошкент тўқимачилик институтига бордим. Математикадан имтиҳонни яхши топширганман, аммо рўйхатда йўқман. Ректорга чиқиб, «отам райком котиби эмас, қоровул», дедим. Аниқлашди, «тўрт» баҳо олган эканман. «Балингиз етмайди, пединститутга боринг», дея «йўл кўрсатиб» қўйишди. Ана шунда «ҳуқуқшунос бўламан, адолат учун курашаман», деб аҳд қилдим. Етмишинчи йилда Тош-ДУ ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кирдим. Турмушга ҳам чиқа қолибман, десангиз. Тўнғич ўғлим иккинчи курсда ўқиётганимда туғилди. Ҳам ўқиш, ҳам бола билан роса қийналганман.

Ёруғликка интилган гиёҳ тошни ҳам ёриб чиқади, дейдилар. Истеъдод ҳам шундай. Яқин ўтмиш шундай эдики, қайсидир истеъдод завол топар, қайсидир чиғириқлардан зўр матонат ила ўтишга уринарди. Дилбар опага шундай тақдир насиб этди. Ўша йилларда ҳам машғулотлар рус тилида ўтадиган мактабларда яхши билим берилар, шароити ҳам ёмон бўлмасди. Шу туфайли, Дилбар опа чуқур билими, туғма қобилияти, отасидан ўтган қатъияти сабаб ўзлигини намоён эта билди. Институтни битиргач, Яккабоғ ва Китоб туман прокуратураларида ёрдамчи прокурор бўлиб ишлади. Ўттиз бир ёшида Китоб туман суди раислигига сайланди. Саксон беш-саксон саккизинчи йилларда Қашқадарё вилоят адлия бошқармасини бошқарди. Икки йил Чироқчи туманида прокурор бўлди. Тўқсонинчи йилда Китоб тумани суди раиси эди. Тўқсон бешинчи йилдан ҳозиргача Шаҳрисабз туман суди раиси. Тўқсон тўртинчи йилда Президентимизнинг Фармони билан «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист» унвони билан тақдирланди. Вилоятда бу шарафли унвонга мушарраф бўлган биринчи ҳуқуқшунос. Бу ҳам истиқлол туфайли!

— Сиз ўтган ва ҳозирги даврда қонунга муносабат билан тергов, прокурор ва судья ўртасидаги баҳсли ҳолатлар билан қизиқяпсиз, — дейди Дилбар Муродова. — Ўлим, айрим оғир жиноят билан боғлиқ ҳодисаларни эсламай қўяқоламиз, нима дедингиз? Битта воқеани эса айтиб бераман. Энди институтни тугатган, Яккабоғ туман прокуроринг ёрдамчиси бўлиб ишлаётган кезларим эди. Суддаги биринчи ишим. Прокурор айбловини қувватлашим керак. Икки қўшни уришишган, кейин ярашишган. Воқеа шу. Прокурор оғир жазони тасдиқлаган, судда эса ҳақиқий аҳвол ойдинлашди. Қолаверса, жамият учун хавф туғдирмайди. Шунинг учун очиқда қолдириш билан боғлиқ енгил жазо сўрадим. Прокурор хонасига чақиртирди. Республика идорамиздан ҳам қандайдир вакил бор экан. «Нега айбловни қўллامадингиз?», — сўради прокуроримиз. «Бу менинг ўз фикрим», деб жавоб бердим. Прокурор аччиқланди, юқоридан келган вакил «тўғри қилибди», деб мени қўллади. Худога шукрки, шунча йил ишлаб ноҳақ жазога йўл қўйган эмасман. Энди ўзингиз хулоса чиқаравeринг.

— Менимча ҳам изоҳга ҳожат йўқ, — дейман унга. — Ҳуқуқий давлат қураяпмиз. Қонун устуворлигига эришиш асосий мақсадлардан бири. Аммо ҳамиша ҳам шундай эмаслигидан кўз юмолмасангиз керак? Юртбошимиз Сурхондарё вилоят кенгаши сессиясида қонунбузарлик билан боғлиқ кўплаб ҳолатларни таҳлил этиб бердилар. Нега шундай бўляпти? Суд ислоҳоти, оилани мустаҳкамлаш масалалари ҳақида ҳам гапирсангиз. Яна адвокатларга муносабатингиз қандай?

— Вой-бу, бир олам масалаку! — хитоб қилди Дилбар опа. — Майли, билганимча-да! Истиқлол туфайли ижтимоий ва иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи мукаммал қонунларга эга бўлдик. Биз қураётган давлатнинг ўзи тарихда бемисл. Айрим қонунлар ўзгариши мумкин. Аммо мақсад ўзгармайди. Қонунлар амал қилиш учун чиқарилади. Масалан, бир йилда 320 та фуқаролик, 100 та жиноий, 400 дан ошиқ маъмурий иш кўрдик. Битта судья учун бу енгил иш эмас. Суд ислоҳоти давомида бу масалалар ҳал бўлади, деб ўйлайман. Асосланмаган жиноий иш терговга қайтарилади. Мен бошқа фикрдаман: ё жазо, ёки бутунлай оқлов бўлиши керак. Агар бу суд амалиётига кирса, чала-чулпа терговлар ўз-ўзидан барҳам топади. Судья ҳам инсон, ҳаёт ташвишларидан қочиб қутула олмайди. Битта мисол. Шоматон қишлоғида етти фарзандни ўстирган аёл бор. Эри оламдан ўтган. Аёл уйни қизларига мерос қолдиришни истайди, ўғиллари бунга қарши. Натижада ўртада низо туғилган. Тўрт ой ичида уларни яраштирдик. Ўғиллар ҳозир оналари билан ҳам, опалари билан ҳам яхши муносабатда. Бундан шундай қувондимки. Тўйга айтишди, албатта, бораман. Энди... Ана, адвокат опангиз келиб қолдилар, шу кишидан сўрайверинг, хўпми?

— Мен Дилбар Муродовнани саксонинчи йилдан буён биламан, — дейди хонага кирган адвокат М. Ўроқова. — Бу киши сабр-тоқат билан адвокатни тинглайди, асосланган фикрларини эътиборга олади. Фикримча, прокуратура, суд идораларида ишлаб у кишидек катта тажриба орттирган судья кам топилса керак. Бу қатъий фикрим...

Донишмандлардан бири дунёда бахтиёрлик аёлнинг қанчалик бахтли бўлишига боғлиқ, деган экан. Бахт — мартаба ҳам эмас, димоққа хуш ёқадиган атиргул ҳам эмас. Дунёи дунда ўзлигини намоён қилмоқ, элининг назарига тушмоқ осон эмас, албатта. Масъулиятли иш, рўзғор ташвишлари, ҳаётнинг айрим тоғдек мусибатлари нозик елкасига тушганда ҳам иродаси букилмаган Дилбар опанинг бахти ҳам шунда-да. Аёлнинг бахти — дунёнинг бахти, дейдилар.

■ **Юнус УЗОҚОВ,**
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

Суратда: ***(чапдан) Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Фотима Бадалбоева, Шаҳрисабз туман судининг раиси Дилбар Муродова, туман хотин-қизлар кенгаши ходими Шаҳодат Аслонова ва тўрт фарзанднинг онаси Норчучук билан суҳбатлашмоқда.***

«ОБУНАЛОТО» ЎЙИНИ ТАРТИБИ

Муштарий газетада чоп этилган чиптани қайчи билан қирқиб олади ва ундаги 12 ой рақамлари тагидаги 12 бўш катакка биттадан (бир хонали) рақам ёзиб чиқади. Сўнгра яшаш, ишлаш ёки ўқиш жойини, исми ва фамилиясини аниқ-равшан ёзиб, яқинидаги почта алоқа бўлимига ёки жамоатчи матбуот тарқатувчиларга топширади. Почта алоқа бўлимидаги масъул шахс тўлдирилган чиптани кўздан кечириб, тўғрилигига ишонч ҳосил қилгач, муҳр босиб имзо чекади. Бунинг учун муштарийдан ҳар бир чиптага 100 сўм ҳақ олинади. Бу «Обуналото» билетининг баҳоси ҳисобланади. Чиптанинг мижозга қайтарилган қисми ютуқлар тиражида қатнашувчи расмий ҳужжат бўлиб қолади.

Ютуқлар тиражи 2000 йил 1 июнда ўтказилади. Қурра ташлаш йўли билан аниқланган олти хонали рақам газетада эълон қилинади. Чиптадаги ўн икки хонали рақамнинг охирги олтитаси, бештаси, тўрттаси, газетадаги рақамга мос келса — ЮТУҚ ҳисобланади. Масалан, муштарий ўз чиптасига 664943208754 рақамини ёзган, дейлик. Газетада ютуқ рақами 208754 деб эълон қилинди. Бунда чиптадаги ўн икки рақамнинг кейинги олти рақами ютуқ рақамига мос тушяпти. Шу чипта соҳиби энг катта ютуқга — «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана», «Осиё бозори» газеталаридан бирига 6 ой бепул обуна бўлиш ҳуқуқини қўлга киритади. Беш рақамни (08754) топганлар — 3 ой, тўрт (8754) рақамни топганлар — бир ой ушбу газеталардан бирини бепул олиб турадилар. Охирги уч рақами (754) тўғри келганларга эса тираж комиссияси имкониятга қараб махсус ютуқлар тайинлаши мумкин. Шу боисдан уларни ташлаб юборишга шошилманг.

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

ТАРИХИМИЗ САҲИФАЛАРИ

1991 — 2000

1996 ЙИЛ

16 январь. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида партия нашрлари журналистлари билан учрашув бўлиб ўтди. Йиғилишда «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари, «Мулоқот» журнали, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Наманган, Самарқанд вилоятлари партия кенгаши рўзномалари раҳбарлари ва ижодий ходимларининг бир гуруҳи қатнашдилар. Ўзбекистон ХДП матбуоти жамоалари олдидаги вазифалар ҳақида Марказий Кенгашнинг биринчи котиби маъруза қилди. У журналистлар эътиборини туб ислоҳотлар жараёнини теран таҳлил қилиш, бу йўлдаги тўсиқ ва ғовларни дадиллик билан кўрсатиб, уларни бартараф этишга кўмаклашиш, Ўзбекистон ХДП фаолиятини ҳаққоний акс эттириш, нашрларимиз таҳририятлари ичида мавжуд бўлган жиддий камчиликларга зудлик билан барҳам бериш чораларини кўриш зарурлигига қаратди.

27 январь. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши XV пленуми бўлиб ўтди. Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов «Мамлакатимиздаги ислоҳотларнинг янги босқичи ва Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг вазифалари тўғрисида» маъруза қилди. Унда маърузачи ХДП ташкилотларининг Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг халқ депутатлари Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари Кенгашлари сессияларидаги нутқларида, мамлакат Олий Мажлиси IV сессияси, 1995 йил ноябрь-декабрь ойларида ўтказилган бошланғич партия ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашларининг пленумлари якунларидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида сўз юритди.

1 февраль. Матбуотда республика Олий Мажлиси IV сессияси ҳужжатлари, Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг мазкур сессияда сўзлаган нутқини Ўзбекистон ХДП ташкилотларида ўрганиш бўйича ўтказиладиган машғулотларнинг Намунавий режаси чоп этилди. Шунингдек, республика Олий Мажлиси IV сессияси ҳужжатлари, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг мазкур сессияда сўзлаган нутқида баён этилган хулоса ва қоидаларни тарғиб-ташвиқ қилишга доир маърузалар, мулоқотлар, суҳбатлар, илмий-амалий анжуманларнинг Намунавий мавзулари тақдим этилди.

9 февраль. Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Руминия Ташқи ишлар вазирлигининг юқори мартабали ходими жаноб Ион Попеску раҳбарлигида БМТнинг тараққиёт дастури миссияси аъзолари Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашига ташриф буюрдилар. Марказий Кенгаш котиби меҳмонларга партиямизнинг дастурий ғоялари ва мақсадлари, ХДП ташкилотларининг мамлакатимизда ўтказилаётган туб ислоҳотлар иккинчи босқичидаги амалий иштироки хусусида сўзлаб берди ва уларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарди.

29 февраль. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибиятининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказишда иштирок этишларига доир вазифалари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

7 март. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг Халқаро хотин-қизлар куни 8-март байрами муносабати билан Ўзбекистон хотин-қизларига табриги матбуотда чоп этилди.

7 март. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ф. Сидорский, унинг илтимосига биноан, қабул қилинди.

(Давоми бор).

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ КЎЧМАС МУЛК БЎЙИЧА АГЕНТЛАР ҲАКИДА ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМИ

I. УМУМИЙ ҲОЛАТ.

1.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигига, «республика Кўчмас мулк биржаси» (РКМБ) ЕТАЖнинг Низомига мувофиқ сотувга қўйиладиган объектлар ва мол-мулкларни излаш жараёнига юридик ва жисмоний шахсларни тортиш ва савдога бўлажак харидорларни жалб этиш йўли билан Кўчмас Мулк Биржасининг кимошди, танлов ва биржа савдоларига қўйиладиган объектлар ва мол-мулкларнинг биржа айланасини активлаштириш мақсадида ишлаб чиқилган.

1.2. Мазкур Низом вақтинчалик бўлиб, РКМБ бошқармаси, зарурият юзасидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқига эга.

II. КЎЧМАС МУЛК БЎЙИЧА АГЕНТЛАР

2.1. Кўчмас мулк бўйича агентларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Кўчмас Мулк Биржаси томонидан ташкил этиладиган кимошди, танлов ва биржа савдолари орқали сотувга қўйиладиган кўчмас мулк объектлари ва мол-мулкларни излаш ва таъминлаш.

РКМБ томонидан ташкил этиладиган танлов ва кимошди савдоларида қўйиладиган объект ва мол-мулкларга бўлажак харидорларни излаш ва таъминлаш.

2.2. РКМБ томонидан ташкил этиладиган савдога қўйиладиган объектлар ва мол-мулкларга бўлажак харидорларини жалб этиш ёки кўчмас мулк объектларини излаш бўйича иш фаолиятини амалга оширишга РКМБ билан шартнома-топшириқ тузган жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек, маҳалла қўмиталари ва жамоат ташкилотлари РКМБнинг Кўчмас мулк бўйича агентлари бўлишлари мумкин.

Шартнома-топшириқнинг амалда қўлланиш муддати РКМБ томонидан ҳар қайси объект ёки савдо бўйича алоҳида белгиланади.

2.3. Кўчмс Мулк бўйича агент вазифасида ишлаш ихтиёрини билдирган жисмоний шахс, мазкур Низом ва РКМБнинг шартнома топшириғи шартлари билан танишгач, РКМБ Бошқармаси Раиси номига ариза ёзиши, паспорт кўрсатиши, 3х4 ҳажмидаги 2 сурат ва таржимаи ҳоли ҳақида варақани тақдим этиши, кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақани тўлдириши лозим.

2.4. Кўчмас мулк бўйича агент вазифасида ишлаш ихтиёрини билдирган юридик шахс мазкур Низом ва РКМБнинг шартнома-топшириғи билан танишгач, РКМБ Бошқармаси Раиси номига тегишли хат билан мурожаат этиши лозим.

2.5. Жисмоний ёки юридик шахс кўчмас мулк бўйича агент мақомига РКМБнинг шартнома-топшириғи имзоланган вақтдан эътиборан эга бўлади.

III. КЎЧМАС МУЛК БЎЙИЧА АГЕНТЛАРНИНГ ИШ ВА МУКОФОТЛАШ ТАРТИБИ

3.1. Кўчмас мулк бўйича агентлар кўчмас мулк объектларини излаш ёки РКМБ томонидан ташкил этиладиган савдога қўйиладиган объектлар ва мол-мулклар учун бўлажак харидорларни жалб этиш бўйича ўз фаолиятини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигига, РКМБнинг Низомига, РКМБнинг кимошди, танлов ва биржа савдоларини ўтказиш бўйича қоидалари ва йўриқномаларига ва мазкур Низомга амал қилади.

3.2. РКМБ агентлари бевосита, хизмат мажбуриятларига кимошди, танлов ва биржа савдоларини ташкил этиш вазифалари кирадиган РКМБнинг бўлимлари топшириқлари бўйича фаолият кўрсатади.

3.3. Кўчмас мулк бўйича ҳар бир агент, сотувга кўчмас мулк объектларини ёки РКМБ савдоларига қўйиладиган объектлар ва мол-мулкларга бўлажак харидорларни излаш ишларини амалга оширар экан, унга бошқа агентлар орасида ажратиб турувчи доимий рақам берилади.

3.4 Кўчмас мулк бўйича агент томонидан РКМБ биржасининг танлов ва кимошди савдоларида иштирок этишга жалб этилган объект ёки мол-мулкнинг бўлажак харидорига савдо иштирокчиси сифатида унинг иштирокини таъминлаган кўчмас мулк бўйича агент рақамига мос рақам берилади.

3.5 Сотиш учун кўчмас мулк объектларини излаш ёки РКМБ савдоларига харидорларни жалб этиш бўйича кўчмас мулк агенти хизматларини мукофотлаш РКМБнинг шахсий маблағлари ҳисобидан амалга оширилади ва миқдори объект ёки мол-мулкнинг савдода сотилган нархидан фоиз ҳисобида қуйидаги шкала бўйича белгиланади:

1 миллион сўмгача бўлган сотув нархида — 5 фоизгача мукофот.

